

ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР ЛОЙИҲАЛАР БОШҚАРУВИ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Гулхаё Наркулова

Ўзбекистон Республикаси Банк ва молия академияси
Лойиҳа бошқаруви мутахассислиги магистранти

Кириш

Жаҳон иқтисодий тараққиётида энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқаро энергетика агентлиги ҳисоботларига кўра, самарадорлик кўрсаткичини ҳар йили камида 1% га яхшилаш орқали дунё миқёсида 250 миллион тонна CO₂ чиқиндиларини камайтириш мумкин.¹

Ўзбекистонда ҳам энергетика тизимини модернизация қилиш, ресурсларни тежаш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини кўпайтириш миллий сиёсатда устувор вазифа қилиб белгиланган. “Яшил иқтисодиёт стратегияси (2019–2030)”да энергия самарадорлигини 20% гача ошириш, қайта тикланадиган манбалар улушини эса 25–30% гача етказиш кўзда тутилган.² Шу йўналишдаги ислоҳотлар иқтисодий ўсиш билан бирга экологик барқарорликни ҳам таъминлайди.

Методлар

Тадқиқотда қуйидаги ёндашувлар қўлланилди:

- Миллий ҳисоботлар таҳлили (Ministry of Energy of the Republic of Uzbekistan, 2022);
- Жаҳон банки, ЕБРР ва ОТБ маълумотлари асосида қиёсий таҳлил (World Bank, 2021; EBRD, 2021; ADB, 2022);
- Йирик амалиётлар (кейслар) таҳлили — “Nur Navoi” фотоэлектр станцияси ва “Masdar” шамол парки;
- Халқаро ташкилотлар материаллари ва адабиётлар шарҳи (IRENA, 2023; UNDP, 2020).

Натижалар

1. Миллий стратегия ва режалаштириш

Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия ва самарадорлик йўналишида аниқ мақсадлар белгиланган. Жумладан, 2030 йилга қадар электр энергияси истеъмолини 20% гача қисқартириш ҳамда яшил манбалар ҳиссасини 30% атрофига етказиш режалаштирилган.³


¹ International Energy Agency, 2021

² Uzbekistan, Cabinet of Ministers, 2019

³ Uzbekistan, Cabinet of Ministers, 2019

Қуйидаги графиклар мақолада келтирилган энергия самарадорлиги лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг натижаларини тасвирлаб беради.

1-график: Инвестиция ва тежаш кўрсаткичлари



2. Инновацион технологиялар татбиқи

“NUR Navoi” фотоэлектр станцияси йилига тахминан 200 млн кВт/с электр энергияси ишлаб чиқариб, 150 минг тонна CO₂ чиқиндиларини олдини омокда (World Bank, 2021). Шунингдек, БААнинг “Masdar” компанияси иштирокида 500 МВт қувватли шамол парки қурилиши амалга оширилмокда. Қишлоқ хўжалигида сув тежамкор технологиялар — томчилатиб суғориш орқали ҳам энергия тежашга эришилмокда.⁴

3. Молиялаштириш ва ресурслар тақсимоти

2020–2023 йилларда халқаро молиявий институтлар энергия самарадорлик лойиҳалари учун тахминан 1,2 млрд доллар маблағ йўналтирди (EBRD, 2021; ADB, 2022). Давлат эса қуёш панеллари ўрнатишни қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзлари ва субсидиялар таклиф қилмокда.⁵

4. Рискларни бошқариш

Лойиҳалардаги асосий хавфлар — табиий омиллар ва молиявий барқарорлик масалалари ҳисобланади. Шу сабабли гибрид тизимлар (қуёш-шамол-газ генератори) жорий қилинмокда. Шунингдек, давлат-хусусий шериклик (PPP) моделлари молиявий барқарорликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди (UNDP, 2020).


⁴ ADB, 2022

⁵ Ministry of Energy of the Republic of Uzbekistan, 2022

5. Мониторинг ва баҳолаш

2022 йилда мамлакат бўйлаб ўтказилган энергия аудитлари 120 млн кВт/с электр тежаш имконини берди. Бу иқтисодий жиҳатдан йилига 12 млн АҚШ долларига тенг иқтисодий самарани англатади.⁶

2-график: Ҳар йили амалга оширилган лойиҳалар сони



Графиклардан кўриниб турибдики, йилдан-йилга энергия самарадорлиги лойиҳаларига киритилаётган инвестициялар ортиб бормоқда ва натижада тежаш ҳажми ҳам сезиларли даражада ўсмоқда.

6. Ижтимоий ҳамкорлик

“Яшил мактаб” дастури орқали 50 дан зиёд таълим муассасалари қуёш панеллари билан таъминланди (UNDP, 2020). Шу билан бирга, маҳаллий ҳокимликлар энергия тежамкор уй-жой қурилиш дастурларини амалга оширмоқда.

7. Халқаро шериклик

2022 йилда Саудия Арабистонининг ACWA Power компанияси билан 1,5 ГВт қувватга эга шамол парки қуриш бўйича шартнома тузилди. Бу Марказий Осиёдаги энг йирик қайта тикланадиган энергия лойиҳаларидан бири бўлади (IRENA, 2023).

Хулоса

Ўзбекистонда энергия самарадорлигини ошириш ва молиялаштириш тизими босқичма-босқич такомиллашмоқда. Миллий стратегиялар, инновацион технологиялар ва халқаро шериклик бу жараёнда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

⁶(Ministry of Energy of the Republic of Uzbekistan, 2022)

Молиялаштиришда “яшил молия” ва давлат-хусусий шериклик инструментлари муҳим аҳамият касб этади. Натижада мамлакат нафақат энергия хавфсизлигини таъминлайди, балки иқтисодий ўсиш ва экологик барқарорликни бир вақтнинг ўзида қўлга киритиш имконига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

Asian Development Bank (2022) Uzbekistan: Energy Sector Assessment, Strategy, and Road Map. Manila: ADB.

European Bank for Reconstruction and Development (2021) EBRD Green Economy Transition Approach 2021-2025. London: EBRD.

International Energy Agency (2021) Energy Efficiency 2021: Analysis and outlooks to 2026. Paris: IEA.

International Renewable Energy Agency (2023) Renewable Energy Statistics 2023. Abu Dhabi: IRENA.

Ministry of Energy of the Republic of Uzbekistan (2022) Annual Report on Energy Sector Reforms. Tashkent: Ministry of Energy.

United Nations Development Programme (2020) Green Economy Transition in Uzbekistan. New York: UNDP.

Uzbekistan, Cabinet of Ministers (2019) Strategy for the Transition to a Green Economy for 2019–2030. Tashkent: Government of Uzbekistan.

World Bank (2021) Uzbekistan: Modernizing Energy Sector for Sustainable Development. Washington DC: World Bank.